С.Р.Абдалова, А.А.Сотбаров,
М.М.Абдикеримова

ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ



Ташкент
2024

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

С.Р.Абдалова, А.А.Сотбаров,
М.М.Абдикеримова

ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

(Монография)

Тошкент
«Renesains sari»

2024

УДК 37.013;378
ББК 74.03

С.Р.Абдалова, А.А.Сотбаров, М.М.Абдикеримова. Ўқув жараёнини ташкил этишга инновацион ёндашув. Монография. – Т.: “Renesains sari”, 2024. 218 б.

Тақризчилар:

Р.Мусурманов - *ЧДПУ п.ф.н., доц..*
М.Алламбергенова - *НДПИ п.ф.н. доц..*

Ушбу монаграфия ўқув жараёнида учрайдиган муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари, педагогик технологияларни ўқув машғулоти жараёнига жорий этиш, улардан ўқув машғулотлари самарадорлигини оширишда фойдаланиш, киритиш механизмлари, усул ва воситалари, муаммоли, модулли, лойиҳалаш ҳамда ахборот технологиялари, замонавий ўқув машғулоти структураси, амалга жорий этиш методикаси, мазкур жараёнда талабаларнинг билимларни эгаллаш даражалари кабилар ҳақида сўз юритилади. Монография ОТМлар профессор-ўқитувчилари учун мўлжалланган.

Монография Чирчиқ давлат педагогика университети Илмий кенгашида кўриб чиқилиб, чоп этишга рухсат этилган.

ISBN 978-9910-9392-1-1

КИРИШ

Республикамизнинг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиши учун замонавий иқтисодиёт, фан, маданият, техника, технология асосида мутахассислар тайёрлашнинг такомиллашган тизимига босқичма-босқич ўтилмоқда. Олий таълим тизимини ривожлантириш, замонавий илмий тафаккур ютуқларига, илғор тажрибаларга таянган ҳолда, барча таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш таъминланмоқда.

Ҳозирги долзарб муаммолардан бири юқори малакали, рақобатбардош мутахассис кадрлар тайёрлаш, уларнинг касбий ва педагогик маҳоратини такомиллаштириш, замон талаби даражасида тадбиркорлик қобилиятини шакллантириш, педагогларни илғор таълим технологиялари билан қуроллантириш бўлиб қолмоқда.

Таълим тизимининг барча йўналишларида амалга оширилаётган ўзгаришлар, ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш, унга таълим бериш жараёнини сифат жиҳатдан такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда таълим тизимини ислоҳ қилиш, унга ривожланган мамлакатларнинг илғор технологияларини жорий этиш, миллий қадриятларимизни сингдирган ҳолда бу технологиялар асосида ўқув машғулотларини замонавий ташкил этиш ва ўтказиш ишлари муҳим ҳисобланади. Шу орқали талабаларнинг мустақил фикрлаш ҳамда ижодий қобилиятларини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Тайёрланаётган кадрларнинг бу сифатларини ривожлантириш таълим тизимининг муҳим вазифаларидан биридир. Чунки, фақат мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлган шахсгина ўз муаммоларига ечим топа олади, жамиятда ўз мавқеига эга бўлади.

Республикамизда иқтисодиётни эркинлаштириш ва бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни

янада чуқурлаштириш билим олишга, иқтисодиёт сир-асрорларини ўрганишга бўлган ҳаракатни, фанни чуқур ўрганишга бўлган талабларни ҳам кучайтиради. Бу ўз навбатида, иқтисодий қонунларни яхши биладиган, турли вазиятларни таққослаш, иқтисодий ресурслар чекланганлиги шароитида самарали хўжалик юритиш учун муқобил вариантларни тўғри танлаш ва қарор қабул қилиш малакасига эга бўлган мутахассислар тайёрлашнигина эмас, балки уларга таълим-тарбия берадиган педагоглар тайёрлашни ҳам талаб қилади.

Шундай экан, ҳар бир педагог турли маслаҳат, тавсия, топшириқ ва янги маълумотларни бераётганда, ўқув машғулотларини илғор технологиялар асосида ташкил этиш, текшириш ҳамда бажариш ишларига аълоҳида эътибор қаратиши лозим. Бундай машғулотларни назарий ва амалий жиҳатдан ташкил этиш ва ўтказиш чуқур билим ҳамда юксак маҳоратни талаб этади. Агар талабаларни ўқув материалларидан муҳимини ажратиб олиш, далилларни тўғри баҳолаш, таҳлил қилиш ҳамда амалиётда қўллай олишга ўргатсак, шундагина ўқув машғулотлари натижаси самарали бўлади.

ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Ўқув жараёни талабада самарали меҳнат фаолиятини амалга ошириш имкониятини таъминлаш мақсадида, уни ўқитиш ҳамда тарбиялашга қаратилган мақсадли, таълим-тарбия масалаларини ҳал қилишнинг амалий ва қулай шакли, педагог томонидан аниқ мақсадларни кўзлаб, белгиланган вақт ичида талабаларга давлат таълим стандартлари, фан дастури, дарслик, ўқув-методик қўлланмалар, дидактик материаллар, ноанъанавий педагогик усуллар, усуллар, ўқитишнинг педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари орқали амалга ошириладиган бир бутун жараён бўлиб, унинг моҳияти инсон томонидан тўпланган тажриба, билим, малака ва кўникмаларни ўсиб келаётган ёш авлодга беришдан иборат бўлиб, мақсади, мазмуни, усуллари, тамойиллари ва ташкилий шакллари биргаликда намоён бўлади.

Ўқув жараёнининг асосий мақсад ва вазифаларига қуйидагилар киради:

- мазкур жараёнда асосий эътиборни мақсадга қаратиш;
- педагог ва талабалар ҳамкорлигидаги фаолиятни аниқлиги ва ошкоралиги;
- талабалар ўқув машғулоти фаолиятида илғор педагогик технология ва улар асосида яратилган интерфаол усуллардан фойдаланиш, машғулот ;
- натижаларини баҳолаш тизимини такомиллаштириш;
- унинг барча шаклларини янги техника ва технология ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш ва амалга ошириш;
- талабаларда мустақил фикрлаш, ижодий қобилият ҳамда касбий маҳоратларини замон талаби даражасида

шакллантириш;

- ўқув машғулотини ноанъанавий ўқиш ва илмий-тадқиқот ишлари билан узвий ҳамда узлуксиз алоқасини яратиш, имкониятларини кенгайтириш;

- талабаларда ўқув машғулоти жараёнига нисбатан касбий, иқтисодий, тафаккур этиш, маънавий ва бошқа қизиқишларни уйғотиш, мустақил тарзда керакли маълумотларни йиғиш, муаммони аниқлаш, ечимларини топиш, олинган билим, малака ва кўникмаларни танқидий таҳлил этиш ва уларни янги вазифаларни ҳал этишда қўллаш;

- ташкилий, психологик-педагогик, ўқув-усулий, ахборот, моддий-техник таъминотни ўз ичига олувчи ўқув машғулоти тизимини яратиш;

- билимларни мустақил тарзда пухта эгаллаш ва ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

- керакли маълумотларни излаб топишнинг қулай усул ва воситаларини аниқлаш;

- ахборот манбаларидан самарали фойдаланиш;

- берилган топшириқнинг муҳим ечимини белгилаш;

- иш натижалари хулосасини тайёрлаш ва қайта ишлаш;

- топшириқларни бажаришга тизимли ва ижодий ёндашиш кабилар,

Ўқув машғулоти талабаларнинг таълим-тарбия олиши, интеллектуал ривожланиши учун омил бўлиши, уларнинг фаоллиги, мустақил фикр юритиши, мавзуни ўзлаштириши, ижодий изланишга йўналтирилиши зарур. Машғулотнинг илмий асосланганлиги, ёритилаётган мавзунинг аниқлиги, замонавий илм-фан ривожининг ўрни, шунингдек, фанлар ўртасидаги алоқани узвийлиги, муаммоли вазиятларнинг мавжудлиги талабаларнинг пухта билим олишларини таъминлаши мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда янги таҳрирдаги “Таълим

МУНДАРИЖА

Кириш 3
Ўқув жараёнида учрайдиган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари 5
Ўқув жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари 15
Ўқув жараёнини лойиҳалаштириш 26
Ўқув жараёнига педагогик технологияларни киритиш механизмлари 33
Ўқув машғулотларида фойдаланиладиган педагогик технологиянинг усул ва воситалари 46
Ўқув машғулотларида муаммоли, модулли, лойиҳалаштириш ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланиш 71
Замонавий ўқув машғулоти структураси 137
Ўқув машғулотини замонавий ташкил этиш ва амалга жорий этиш методикаси 155
Ўқув машғулоти жараёнида талабаларнинг билимларни эгаллаш даражалари 186
Хулоса.....211
Фойдаланилган адабиётлар 214

С.Р.Абдалова, А.А.Сотбаров,
М.М.Абдикеримова

ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

(Монография)

Муҳаррир: Х. Таҳиров
Техник муҳаррир: С. Меликузийева
Мусаҳҳиҳ: М. Юнусова
Саҳифаловчи: А. Исхоқов

Нашр. литс № 2244. 25.08.2020 й.
Босишга рухсат этилди 12.06.2024 й.
Бичими 60x84 1/16. Офсет қоғози. "Самбриа" гарнитураси. Ҳисоб-нашр табоғи. 13,625.
Адади 100 дона. Буюртма № 2423553.

«Renesains sari» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

+998 (97) 017-01-01

ISBN 978-9910-9392-1-1